

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS

TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI



**ILMIY
AXBOROTNOMA**

2022

- **НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**
- **SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



ISSN:2181-0427

journal.namdu.uz



Bosh muharrir: Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov

Mas'ul muharrir: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor v.v.b D.B.Dexqonov

Mas'ul muharrir o'rinbosari: O'quv ishlari bo'yicha prorektor D.S.Xolmatov

T A H R I R H A Y ' A T I

Fizika-matematika fanlari: akad. S.Zaynobiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev.

Kimyo fanlari: akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots. A.Hurmamatov.

Biologiya fanlari: akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d., dots. A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d., dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev.

Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.

Qishloq xo'jaligi fanlari: g.f.d., prof. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.

Tarix fanlari: akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov.

Iqtisodiyot fanlari: i.f.d., prof. N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.

Falsafa fanlari: f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobiddinova, f.f.n., dots. T.Ismoilov, PhD. A.Abdullayev.

Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n., dots. S.Misirov.

Geografiya fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof. A.Nigmatov.

Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n.,dots. M.Asqarova, p.f.n., dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots. S.Abdullayev.

Tibbiyot fanlari: b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.

Psixologiya fanlari: p.f.d., prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova.

Texnik muharrir: *N.Yusupov.*

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Boburshox ko'chasi, 161-uy

Faks: (0369)227-07-61 **e-mail:** info@namdu.uz

Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

*"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-texnikaviy Kengashining 2022-yil 10-avgustdagi kengaytirilgan 8-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (**Bayonoma № 8**). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.*

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI 2022



ДОЛЗАРБ МУАММО СИФАТИДА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Жабборов Жамшид Азимович

ҚарДУ таянч докторанти

jamshidshoh@gmail.com

Аннотация: Мақолада маънавий эҳтиёжларни ўрганилиши бугунги куннинг долзарб муаммоси эканлиги, уларни шаклланиши, қондирилиши, юксалиши, уларнинг умуммиллий манфаатлар билан боғлиқлиги, эҳтиёжларнинг ижобий ёки салбий аҳамият касб этишини белгилловчи омиллар, соғлом эҳтиёжларни ривожлантириш каби масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: эҳтиёж, маънавий эҳтиёж, жамият, умуммиллий манфаат, глобаллашув, соғлом эҳтиёж, ахлоқ.

ИЗУЧЕНИЕ ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ КАК АКТУАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА

Жабборов Жамшид Азимович

базовых докторант КарГУ

jamshidshoh@gmail.com

Аннотация: В статье анализируется то, что изучение духовных потребностей является актуальным вопросом на сегодняшний день, их формирование, удовлетворение, рост, их связь с национальным интересом, факторы, определяющие, являются ли потребности положительными или отрицательными, развитие здоровых потребностей.

Ключевые слова: потребность, духовная потребность, общество, общенациональный интерес, глобализация, здоровая потребность, нравственность.

STUDY OF SPIRITUAL NEEDS AS A CURRENT PROBLEM

Jabbarov Jamshid Azimovich

student of KSU

jamshidshoh@gmail.com

Annotation: The article analyzes the fact that the study of spiritual needs is a topical issue today, their formation, satisfaction, growth, their connection with the national interest, the factors that determine whether the needs are positive or negative, the development of healthy needs.

Keywords: need, spiritual need, society, national interest, globalization, healthy need, morality.

Кириш. Жаҳонда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, глобаллашув ва “ахборот портлаши”, геосийёсий зиддиятларнинг кучайиши одамларнинг онги ва дунёқарашига катта босим ўтказмоқда. Инсон глобал ахборот оқимида ҳамда истеъмол бозорининг, шу жумладан бўш вақтини тўлдиришга қаратилган кўнгилочарлик индустрияси таклифлари олдида ўзини бироз йўқотиб қўймоқда. Унинг онгига тажоввузлар ва тизгинсиз ахборот ёрдамида хуруж қилинмоқда. Ёпирилиб келаётган ахборотни, кўнгилочар индустрия маҳсулотларини текшириб, таҳлил қилиб, фойдалисини фойдасизидан, тўгрисини ёлгон ва соҳтасидан ажратиш оддий киши учун ниҳоятда мушкул. Шу сабабдан, биринчидан, ёш авлодда мустақил ва танқидий фикрлашни, тафаккур эркинлигини шакллантириш зарур.



Иккинчидан, унда соғлом маънавий эҳтиёжларни ривожлантириш зарур. Эҳтиёжлар соғлом бўлмаса, ингилишлар ҳам носоғлом, зиддиятли, тубанликка мойил бўлади.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси. Дунёнинг бир қатор етакчи илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларида (Central Eurasian Studies Society (CESS) (АҚШ), European Society for Central Asian Studies (ESCAS) (Англия), National Council for Eurasian and East European Research (NCEEER) (АҚШ), American Councils for International Education (ACTR/ACCELS) (АҚШ), Osaka University (Япония), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center (Германия)) жамият тараққиёти ва инсон камолотига таъсир этувчи омил сифатида маънавий эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, англаниши, қондирилиши, эҳтиёжлар таркибининг ўзгариши ёки янги-янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, кишилиқ жамиятида янги билимлар, технологиялар, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик меъёрлар пайдо бўлишини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, умумжаҳон илмий тараққиёт тенденцияларидан ортда қолмаслик учун, бир томондан, шахс маънавий эҳтиёжларининг шаклланиши қонуниятларини тадқиқ этиш, иккинчи томондан эса, жаҳон мамлакатларида бу борада илгари сурилган концептуал талқинларни таҳлил қилиш зарурияти тугилмоқда.

А.Эркаев, Э.Умаров, М.Абдуллаев, Э.Ғозиев, А.Маврулов, М.Ахуновларнинг маънавий эҳтиёжлар тўғрисидаги китоблари ва мақолалари, назарий-фалсафий қарашлари илгари сурилган бошқа илмий мақолалари методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Муҳокама ва таҳлил. Эҳтиёжларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамма вақт инсоннинг камол топиши, биринчи навбатда жамият ривожланишининг объектив талаблари ҳамда унинг индивидуал манфаатлари ва қобилиятлари билан боғлангандир. Чунончи ёшларнинг вояга етиши, улар организмнинг ўсиши, тарбияси янгидан-янги эҳтиёжларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Шу сабабдан, Ўзбекистонда таълим-тарбия ва маънавият-маърифат масалаларига устувор эътибор берилмоқда. Президентнинг “иқтисодиёт жамиятнинг тани, организми бўлса, маънавият унинг жони ва руҳидир”[1], деган фикри Ўзбекистонда бу борада давлат ва жамият томонидан олиб борилаётган ишларнинг асосий мақсади ва алгоритмини белгилайди. Инсон қадрли масаласига, умуман Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясига шу нуқтаи назардан ҳам ёндашиш мумкин.

Кишилиқ жамияти тараққиётига назар ташласак, инсон эҳтиёжлари, жумладан, маънавий эҳтиёжлар доим ўсиб боради. Улар ўз ривожланиш қонунларига эга. Маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши улардан юксакроқ бўлган янги маънавий эҳтиёжларнинг тугилишига олиб келади. Бу ҳолат маънавий эҳтиёжларнинг муттасил равишда юксалиб бориши қонун эканини тасдиқлайди. Маънавий эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, англаниши, қондирилиши, эҳтиёжлар таркибининг ўзгариши ёки янги-янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ҳам қондирилиш жараёнида жамиятда янги билимлар, технологиялар, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик меъёрлар пайдо бўлади. Бу жараён, маънавий эҳтиёжлар ўсиши ва жамият тараққиёти ўртасидаги алоқалар доимий характерга эга. Улар такрорланувчи энг муҳим, моҳиятли, биринчи даражали зарурий боғланишлардир, яъни бу жамият ривожланишининг қонунидир. Маънавий эҳтиёжларни узлуксиз ўсиши ва янгиларининг вужудга келиши ҳар бир жамиятга хосдир.



Ўзбекистонда жамият маънавиятини юксалтириш мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан биридир. Маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши, қондирилиши, юксалиши, уларнинг умуммиллий манфаатлар билан боғлиқлиги, эҳтиёжларнинг ижобий ёки салбий аҳамият касб этишини белгиловчи омиллар, соғлом эҳтиёжларни ривожлантириш каби масалалар устида изчил назарий ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ўта долзарб вазифадир. Инсон қадрини улуглаш унинг муносиб яшаши учун шарт-шароит яратиш демакдир. Муносиб турмуш кечириши эса инсоннинг соғлом-маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришдан бошланади. Бунинг учун эса аввало эҳтиёжлар тушунчаси, унинг моҳияти, мазмуни, шакли, тузилмаси, функционал хусусиятлари, парадигмаси ва ривожланиш қонуниятларини ўрганишни тақозо этади. Эҳтиёжлар ривожланиши зиддиятли, мураккаб ҳодисадир. У ҳеч қачон чизиқли кўриниш касб этмайди. Агар жамият алоҳида индивидлардан ташкил топганини, ҳар бар индивиднинг ўз қарашлари, қизиқишлари борлигини, одамларнинг билими, савияси, ҳатто руҳий темпераменти ҳар хиллигини ҳисобга олсак, жамият маънавий онги ва ҳаёти динамик ранг-барангликлар, хаотик хулқ-атворларнинг тизимлашган, динамик мувозанатга келган муштараклиги, бирлиги эканига гувоҳ бўламиз. Бу жараёни анъанавий метафизик чизиқли усулларда ўрганиш бирёқлама, чекланган хулосаларга олиб келади. Шу сабабдан эҳтиёжлар ривожланиши, уларнинг жамият ҳаётига таъсирини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишга зарурият сезилмоқда. Мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти ижтимоий-фалсафий эмас, балки психологик, баъзан социологик йўналишда бажарилган.

Сўнги йилларда юртимимиз олимлари томонидан мустақилликнинг маънавий асослари, маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига оид кўплаб илмий-тадқиқот асарлари, монографиялар, мақолалар, илмий-оммабоп китоблар пайдо бўлди. Эҳтиёжларни таснифлаш, улар тизимида маънавий эҳтиёжларнинг ўрни, унинг ўзига хослиги, юксалиши ёки пасайиши, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида бир неча умумий эътироф мазмунидаги мақолалар ёзилган. Ушбу йўналишда мамлакатимиз етакчи олимларидан А. Эркаев[2], Э. Умаров, М. Абдуллаев[3], Э.Ф.Ғозиев[4], А. Маврулов[5], М. Ахуновларнинг китоблари ва мақолаларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, А. Мухтаров гоё ва мафқуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий генезисининг манфаат ва эҳтиёжлар билан мутаносиблигини, З. Бойтемирова маънавий эҳтиёжлар таркибидаги ахлоқий эҳтиёжларни, М.Номуратова маънавий эҳтиёжлар тизимини ўрганиб, уларнинг ижтимоий-фалсафий асосларини назарий таҳлил қилган. Олимларимиз томонидан маънавий эҳтиёж масаласи етарли даражада ўрганилмаганлиги шу соҳада илмий тадқиқот олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши шахс ва жамият ҳаётининг юксалишига сабаб бўлади, уни тараққиётга йўналтириб, ўз моҳиятида инсон мақсадлари, манфаатлари ва интилишларини ифодалайди. Маънавий эҳтиёжлари юксак бўлган халқ ёки миллат эркин ва фаровон ҳаёт кечириб, илм-фан ҳамда замонавий технологияларга нисбатан муносабатлари ҳам юқори даражада бўлади. Маънавият, илм-фан, адабиёт ва санъати, турмуш шароитлари, маданий савияси, иқтисодиёти ривожланган халқларда юқори бўлади. Булар ўз навбатида демократик эркинликларни, фуқаролик жамиятини ривожлантириш имконини кучайтиради. Мустақиллиги таъминланган, хавф-хатардан ҳоли (хавфсизликка бўлган эҳтиёжининг қондирилиши) жамиятда яшаётган одамларнинг



яратувчанлик қобилиятини ишга солиб тараққиётга эришиши осонлашади. Маънавий эҳтиёжлар инсоннинг камолотга интилиши, билим эгаллаши, юксак идеалларга эргашиши орқали намоён бўлади. Ўз моҳиятида ижодкорлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик гояларини мужассам этган маънавий эҳтиёжлар жамият тараққиётига хизмат қилиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий юксалишига олиб келади. Маънавий эҳтиёжлар жамият тараққиёти даражасини белгилайди, жамият ахлоқий идеалларини, мақсад ва манфаатларини қандай гояларга йўналганлик характерини кўрсатади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, маънавий эҳтиёжлар – инсон эҳтиёжларининг юқори кўринишидир. Улар билимга, камолотга, юксак идеалларга интилиш орқали намоён бўлади. Улар инсонга, халққа муайян қадриятлар тизимига мансублигини англатади. Бу билан уларнинг идентлиги асослари юзага чиқади. Маънавий эҳтиёжлар ўз моҳиятида ижодкорлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятини жамлаган бўлиб, уларнинг қондирилиши жамият тараққиётининг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Халқ сўзи. 2021 й., №13 (7793).
2. Эркаев А.П. “Маънавият – миллат нишони”. Тошкент “Маънавият” 1997 й. 39-б.
3. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. “Чўлпон номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи” Тошкент – 2006, 128 бет.
4. Ғозиев Э. Умумий психология. Т.: 2010 й. 192-бет. 536 бет
5. Маврулов А. Маънавият – эҳтиёж маҳсули. Шарқ юлдузи журнали. 2010. №4 сон, 3-7 бет.
6. Жабборов Ж.А. Мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқотларида маънавий эҳтиёжлар муаммосининг талқини // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 5 (2021) / ISSN 2181-1415. Impact Factor: SJIF 2021 = 5.395. Б. 484-491.
7. Жабборов Ж.А. Маънавий эҳтиёжлар – жамият тараққиётининг мезони // «Трансформация суспільних наук: соціально-економічний, лінгвістичний, політичний та іт-виміри» II Міжнародна наукова конференція. 22.10.2021. Харків, UKR. 40-43 бет. <https://doi.org/10.36074/mcnd-22.10.2021>
8. Жабборов Ж.А. Замонавий жамият эҳтиёжларини таснифлаш // Тарбия ва таълим жараёнининг ижтимоий ҳамда педагогик-психологик муаммолари: таклиф ва ечимлар. / Халқаро илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2022. Б. 259-262.



21	Sug'oriladigan o'tloqi - bo'z tuproqlarning agrokimyoviy holati (G'uzor tumani misolida) Uzakov Z.Z., Ergashev O.Sh., Begmatov B.E.	135
22	Токнинг айрим маҳаллий навларини (<i>Vitis Vinifera</i> l.) <i>in vitro</i> кўпайтиришда ўсишни бошқарувчи регуляторларнинг таъсири. Абдуллаев А.Н, Убайдуллаева Х.А., Абдуллаев С.А., Болкиев А.А., Султонова Ш.А., Эшмурзаев Ж.Б., Бабажанова Ф.Б.	139
23	<i>Inula helenium</i> (қора андиз) экстрактини каламуш аорта препаратига релаксант таъсирини ўрганиш Иномжонов Д.Р., Омонтурдиев С.З., Абдуллаев А.А., Гайибов У.Г., Арипов ТФ.	145
24	Har xil tuproq-iqlim sharoitda shirinmiya o'simligi vegetativ organlaridagi fenol birikmalari Bekro'latov H.O., Qo'shiyev H.H., Jurayev T.A., Ismoilova K.M.	151

09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

25	Адабиётда гендер тушунчасининг юзага келиши ва илк феминистлар: Жанна Д'арк ва Нодирабегим қисматидаги муштараклик Рустамова Х.	159
26	Ахборот маданияти глобаллашишнинг ижобий ва салбий оқибатлари Кодиров Н.М.	166
27	Жадид маърифатпарварлик ҳаракати, вужудга келиши ва ижтимоий гоъвий асослари Ғофуров И.	170
28	Salomatlik estetikasi tushunchasi va uning falsafiy mohiyati Javliyev F.K.	174
29	«Мафкура», «Миллий гоъя» «Миллий ўзликни англаш», «Миллий онг» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти Набиев В.М.	179
30	Proektiv tafakkurning ta'lim jarayonidagi evristik jihatlari Kuchimova F.T.	185
31	Долзарб муаммо сифатида маънавий эҳтиёжларнинг ўрганилиши Жабборов Ж.А.	190
32	O'zbekistonda ma'naviy yangilanish tushunchasi va mohiyati Sodiqov S.S.	194
33	Fridrix Nisshe va uning "Hokimiyatga iroda" konsepsiyasi Bekchanov Z.M.	198
34	Марказий осиеда Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг ташқи сиёсатдаги устуворлиги Абдумажидова Х.	202